Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм
вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги,
унинг ҳудудий бўлимлари ва тизимидаги
ташкилотларда Коррупцияга қарши тартиб-
таомилларнинг самарадорлигини
мониторинг ва назорат қилиш услубиётига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги, унинг ҳудудий бўлимлари ва тизимидаги ташкилотлари ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларидан хабардорлигини текшириш

**ТИЗИМИ**

| Т/р | Текширув йўналиши | Текширув тадбирлари |
|---|---|---|
| 1. | Ташкилот ходимларига одоб-аҳлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилиш масалалари бўйича тренинглар (онлайн, офлайн) ўтказилишининг мониторинги | Тренинглар мунтазамлиги, уларни мазмуни ва қатнашувчи шахслар қисми бўйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш. |
| 2. | Коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва тартиб-таомиллар<br>талабларини билишини текшириш | Ташкилот ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тренинглари доирасида ўтказиладиган тест ёки бошқа назорат тадбирларидан ўтишлари натижаларининг таҳлили;<br>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат билан имзо қўйдирилган ҳолда мажбурий тарзда таништирилганлигини текшириш;<br>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини танлов асосида текшириш:<br>а) текширувда қатнашиш учун Ташкилот ходимларини танлов асосида аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг энг кам сони – ташкилотда турли таркибий бўлинмалардан турли лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони – 6 нафар);<br>б) ички ҳужжатларда кўрсатилган коррупцияга қарши талаблар ва нормалар бўйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг энг кам сони 10 та, улар тест форматида, очиқ саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин);<br>в) жавоблар/қарорларни тақдим қилишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш;<br>г) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишда қийинчиликларни муҳокама қилиш. |